

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 154 (10.459)

2005 ЙИЛ 9 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ
Дир Кўни
Янгилıklar, воқеалар

ҚИСҚА
сатрларда

● **ТЕМИРЎЛЧИЛАР** маданият саройида бўлиб ўтган тантанали кечада темирўл соҳаси вакиллари ўз касб байрамларини нишонлашди.

● **ТОШКЕНТ**да шаҳар жамоатчилиги вакиллари, дипломатик корпус ҳамда чет эл элчихоналари ходимлари иштирокида Миср Араб Республикасининг миллий байрами — Инқилоб куни нишонланди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши томонидан туман ёшлари учун ташкил этилган «Компьютер саводхонлиги» курси тингловчиларининг навбатдаги машғулотли бўлиб ўтди.

● **АЙНИ** кунларда Абдулла Кодирий, «Дархон», «Катта Қаъни», «Богистон», «Ватанпарвар», «Хурсон» маҳаллаларида ёшлар учун ташкил этилган инглиз тили ўқув курслари машғулотлари давом этмоқда.

● **БУГУН** Шукур Бурхонов маҳалласида «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Тилларни ўрганамиз» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент Давлат авиация институти қошида «Камолот» ЁИХ Мирзобод туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган компьютер курси машғулотли бепул уюштирилди.

● **БУГУН** Журжоний маҳалласида кўчма спорт ўйинлари уюштирилди.

● **БУГУН** «Азамат» маҳалласида ёшлар иштирокида «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан «Кувноқ стартлар» мусобақалари ўтказилди.

Тошкент шаҳар
хоқимлиги Матбуот
хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИНИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонуном мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд ҳатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислох қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов

билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишнинг таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунийликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайтирилиши таъминлади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида фуқароларни қамоққа олиш тартиқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзиде икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Давоми 2 -бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТ ҲИСОВВАРАҚЛАРДАН НАҚД ПУЛ ТЎЛОВЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ ҚАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳоли ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этиб, уларни айланмага қўйиб ва шу ҳисобдан банк даромад олиб, амалда омонатчилар ҳисобига манфаат кўриб, айни вақтда ўзларининг омонатчилар олдидаги тўғридан-тўғри мажбуриятларини аниқ бажармасдан, уларнинг қонуний талаблари ва эҳтиёжларига бефарқ қараётганликлари, бунинг устига омонатчиларнинг буюртмаларини қондириш чоғида ўз мавқеини суистеъомол қилиб, уларнинг манфаатларини писанд қилмасликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташки иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят ва шаҳар бўлимлари фаолиятида ҳам худди шундай ҳолатлар мавжуддир.

Шуни назарда тутиш керакки, бундай муносабат банкларга нисбатан ишончга пугур етказмоқда, омонатчиларнинг асосли норозилигига сабаб бўлмоқда, аҳоли, тадбиркорлар ва бизнесменларни, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидеги депозитларга қўйишни чеклаб, уларни жалб этишни рағбатлантирмайди, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга ёрдам бермайди, бутун пул муомаласи тизимини беқарорлаштириб мамлакатга катта иқтисодий зиён етказмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни батамом тугатиш, нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланма-

сини қисқартириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисовбарақларидан нақд пуллар банклар томонидан узлуқсиз бериб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Тижорат банклари томонидан аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисовбарақларга жалб этишни рағбатлантириш ҳамда биринчи талаб бўйича уларнинг ҳисовбарақларидан нақд пуллар чекловсиз берилишини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қониксиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларни ходимларининг бюрократик, сансалорлик, лоқайдлик ва таъмағирлик ҳолларини жуда қисқа муддатларда тугатиш учун қонунда ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унга берилган барча таъсир кўрсатиш механизмлари ва во-

ситаларидан кенг фойдалансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари 2005 йилнинг 1 сентябригача аҳоли, ҳўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг талаби бўйича нақд пуллар узлуқсиз берилишини таъминлаш мақсадида банклардаги депозит ҳисовбарақларда бўлган пул маблағларини бериш тартиби ва амалдаги низомни қайта кўриб чиқиш борасида зарур чоралар кўрсин.

Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисовбарақлардан нақд пуллар узлуқсиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик иш якунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончилигини баҳолашнинг энг муҳим меzonларидан бири деб ҳисоблансин.

Давоми 2 -бетда.

XVI саҳоси
аср
Барча малбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Маргилон шаҳрида барпо этилаётган миллий хунармандчилик коллежи ҳадемай ўқувчиларни ўз бағрига олади. Коллежни тез ва соз бунёд этаётган «Фартибқурилиш» хусусий корхонаси қурувчилари 592 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини тугалаш арасисида.

● Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Термиз шаҳрида замонавий, барча қулайликларга эга уч юлдузли меҳмонхона — «Меридиан отел» фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида прокуратура органларининг мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2005 йил олти ойдаги фаолияти якунларига оид масала муҳокама қилинди.

● Юқоричирик туманидаги Йик Ота жамоа ҳўжалигида Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Бадиий академия, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳамда «Ёнграг» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Мафтуркор ранглар дунёси» 10-халқаро бадиий кўрик-фестиваль якунланди.

Жаҳонда

● Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр терроризмга қарши кураш борасида ҳукуматнинг янги иш режасини тақдим этди.

● Япониянинг Хиросима шаҳрида бундан роппароса олтинчи йил муқаддам атом бомбасининг тинч аҳоли устида портлатилиши натижасида ҳаётдан кўз юмганларни хотирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда ўттиздан зиёд мамлакатлардан келган вакиллар иштирок этди.

● Тинч океанининг Камчатка ороллари киргоғи атрофида Россия, Америка ва Буюк Британия кутқарувчиларининг самарали саяҳатлари натижасида 4 кеча-кундуз — 76 соат давомида 200 метр чуқурликда бўлган Россиянинг АС-28 батискафининг барча етти нафар экипажи аъзолари сувдан эсон-омон чиқариб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИНИ СУДЛАРГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларини ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хоржий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурият чора-

ларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгилловчи 19, 25 ва 44-моддаларига мувофиқ:

1. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилсин.

Белгилансинки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»-ги қонунларига қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгилловчи, шунингдек судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча қафолатларни белгилловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар тайёрласин. Шу билан бирга мазкур Фар-

моннинг 1-бандига мувофиқ нафақат қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, балки идоравий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативлар ҳам қайта кўриб чиқиши зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, молия, иқтисодиёт, адлия, ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси икки ой муддатда қамоққа олишга санкция бериш бўйича прокуратура органларининг ваколатлари судларга ўтказилишини ҳисобга олиб, умумий юрисдикция судларини ташкилий-кадрлар жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид тақлифлар тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати суд қарорига биноан қамоққа олиш тартиби жорий этилиши муносабати билан судьялар ҳамда прокуратура органлари, ИИБ ва МХХ тергов бўлиналари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 8 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРДАН НАҚД ПУЛ ТЎЛОВЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг, иш якунларини кўриб чиқиш вақтида, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пуллари кечиктирмай тўлаш борасида ўрнатилган тартиб бир неча марта (ойига уч мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда тижорат банклари ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши лозимлиги тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

Нақд пул маблағлари узлуқсиз бериб борилишини таъминлаш учун тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пул маблағлари беришни мунтазам кечиктириш ҳоллари мавжуд бўлганда тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари, ҳатто банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни қайтариб олиш чораларини қўлласин.

5. Нақд пуллари узлуқсиз тўланишини таъминлаш мақсадида: тижорат банклари ўз бўлиналарида нақд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва мижозларнинг бюртмалари қондирилишини таъминлаётган нақд пул захирасини яратсин; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулларнинг миқтақавий захира жамғармаларини ташкил қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банкларини уларнинг Марказий банкдаги вакилик ҳисобварақларидаги маблағлар доирасида, зарур ҳолларда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоб-касса марказларидаги захира жамғармаларидан фойдаланган ҳолда нақд пул маблағлари билан чекланмаган миқдорда таъминлаб турсин; нақд пулга бўлган талабни узлуқсиз таъминлашни назарда тутиб, республика миқтақалари ўртасида нақд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашни амалга оширсин;

тижорат банклари билан биргаликда тижорат банкларининг филиалларидаги нақд пул захиралари ҳажмининг энг кам миқдорини тасдиқласин ҳамда мажбурий захиралар бўйича талабларни ҳисоб-китоб қилиш чоғида умуман банк бўлимидаги захиралар суммасини ҳисобга олсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари:

ўз тузилмаларида нақд пул маблағлари берилиши мониторинги бўйича маҳсус бўлиналар ташкил қилсин;

нақд пулни қонуний беришдан бош тортиш ҳоллари қайд этилиши ва назорат қилиниши юзасидан индикаторлар ишлаб чиқсин ва шулар асосида тегишли ойлик ҳисоботни жорий этсин.

Қуйидагилар мазкур бўлиналарнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторингнинг амалга ошириш, шунингдек, нақд пул ҳисоб-китобларининг ҳолатини таҳлил қилиш, нақд маблағларни тўлаш ҳолати, уларни беришни кечиктириш ҳоллари мавжудлиги тўғрисида ҳар ойлик ҳисоботларни тақдим этиш;

нақд пул захиралари ҳолати ва улардан фойдаланишни тезкорлик билан бошқариш, шунингдек, бўш нақд маблағлар етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш мақсадида улардан оқилона фойдаланиш;

банк мижозларининг нақд пул маблағларини чекловсиз ва узлуқсиз бериш масалалари бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш, тижорат банкларининг бўлимлари ва филиалларида ушбу масалалар юзасидан текширишлар ўтказиш;

тижорат банклари мансабдор шахсларининг аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пуллари узлуқсиз берилишига оид талаблар бажарилишини таъминлаш борасидаги фаолияти натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки жавобгарлик чоралари қўллаш бўйича тақлифлар тайёрлаш.

Нақд пуллари бериш масалаларига тезкорлик билан эътибор қаратиш учун ҳар бир миқтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан «ишонч телефони» орқали мурожаатини кўриб чиқиш ва келиб тушаётган мурожаатлар дарҳол текширилиши ташкил қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул сўзсиз ва чекловсиз тўланишини таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳолини ҳар чорақда умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борисин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

банкдан ташқари айланмани чеклаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши, ҳўжалик юритувчи

субъектлар томонидан товарлар сотиш, иш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ топширилиши устидан назоратни қучайтирсин;

банк кассаларига топширилган нақд-савдо тушуми билан чакана товар обороти ва пулли хизматларни амалдаги ҳажмлари ўртасида мутаносиблик бўлиши, шунингдек, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларида мажбурий фойдаланиш билан қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорнинг қондаларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорнинг қондаларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.


11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 август



Мустақиллик мевалари



Мирзо Улуғбек тумани шахримизнинг энг обод ва шинам туманларидан ҳисобланади. Умумий майдони 3,2 минг гектардан иборат. Мавжуд 52 та маҳаллада 243,4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туман катта илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга, кадрлар тайёрлаш негизи, ўчоғи саналади. Бу ерда Фанлар Академиясининг 80 фоиз илмий-тадқиқот институтлари, Мудофаа ҳамда Ички ишлар вазирликлари академиялари, Олий умумқўшин кўмондонлиги билим юрти, 5 та олий ўқув юрти, 13 та ўрта махсус ўқув юрти, 34 та умумтаълим мактаблари жойлашган. Туман аҳолисига 3 та маданият ва истироҳат боғи, 14 та кутубхона хизмат кўрсатади. Туман иқтисодиётини 351 та йирик корхона, шунингдек 3154 та кичик ва хусусий бизнес субъектлари таъминлайди.



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ
ЯШНАБ - ЯШАРМОҚДА

Мустақиллик йилларида туманда ижтимоий-иқтисодий, шунингдек қурилиш, сановат, тиббиёт соҳаларида катта янгиликлар, ўзгаришлар амалга ошди, самарали ютуқларга эришилди. Жумладан Ватан ичра Ватан деб аталмиш маҳаллалар янада обод бўлиб, чирой очди. Эл фаровонлиги ва тинчлиги, осойишталигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Тумандаги Белоножко номидаги кўча қайта таъмирланиб кенгайтирилди ва Юзработ номи берилди. «Олтинтепа-5» маҳалласида янги гузар бунёд этилди. Айни кунларда эса «Гулистон» маҳалла гузари ва «Олтинтепа-10» маҳалласида болалар майдончаси, А.Югнакий мавзесида эса спорт мажмуасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Қисқа муддатда уларни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Шунингдек мактабларда таълим тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида туманда жойлашган умумтаълим мактабларида 2005-2006 ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Жумладан 207, 211, 130, 225- мактабларда ҳозирги кунда капитал таъмирлаш ишлари якунига етмоқда. Шу билан бирга Тошкент сановат касбхона коллежида ҳам таъмирлаш ишлари қизғин бормоқда.

Туманда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар ҳам диққатга сазовордир. 7 та оилавий поликлиника, 2 та стоматологик поликлиника, 2 та диспансер, 6 та шифохона замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди, айни кунда уларда таъмирлаш иш-



лари авжида. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятининг тиббиёт-санитария қисми Япониянинг 87 минг АҚШ доллар кийматидаги грантига сазовор бўлди. Жорий йил иккинчи ярим йиллигида тумандаги тиббиёт бўлимларини яна 30 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалаштирилган. Туманда 39 та йирик сановат корхоналари мавжуд бўлиб «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти, «Ўзкабель», лакбўёк, «Ўзпахтамаш» заводлари ва бошқа қатор корхоналарда ишлар маромида кетмоқда. Шуни қувонч билан айтиш жоизки, бу йил туманда 500 ўринга мўлжалланган даволаш-соғломлаштириш мажмуаси ҳамда Италия билан ҳамкорликда гранит ва мрамор ишлаб чи-



қариш бўйича «Евростал» кўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ишшоотлар албатта, Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Ёшларнинг соғлом, бақувват ва ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари учун албатта, спортнинг ахамияти катта. Туманда 2004 йилда ташкил этилган Мустақиллик меваси ҳисобланган «Умид» спорт мажмуасида бугунги кунда 18 та спорт секциялари мавжуд бўлиб, унга 700 нафар бола жалб қилинган. Бу ерда спортнинг шахмат-шашка, футбол, теннис турлари бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзо Улуғбек тумани мустақиллик йилларида яна ҳам яшнаб-яшармоқда, тобора обод бўлмоқда.

Дилором ИКРОМОВА



Санъат

МУСИҚАЛИ
СТУДИЯ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида бир неча ижодий студиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони яна бир янги муסיқали студия ҳисобиغا ортадиган бўлди.

Ўзига хос лойиҳа асосида бунёд этилаётган бу студия бир неча бўлимлардан ташкил топади. Улар учун алоҳида хоналар ажратилади.

Ана шу хайрли иш учун Япония ҳукумати алоҳида грант ажратди. Бир неча муסיқа чолғу асбоблари ва овоз ёзиш техникалари сотиб олинди.

Студия энг замонавий лойиҳа асосида юзага келаётир. Шу сабабли бу ерда ноёб муסיқали ёзувлар, машҳур санъаткорлар ижросидаги тароналарни ёзиб олиш йўлга қўйилди.

ТЕАТРГА ГРАНТ
БЕРИЛДИ

Вена шаҳрида ўтказилган театрлар халқаро танлови Тошкентдаги «Илҳом» театри актёрлари учун катта ижодий қувонч келтирди. Театр бу нуфузли ижодий кўрикда ўзининг «Парвоздаги Машраб» деб номланган асарини билан қатнашди.

Жаҳоннинг 130 га яқин театрлари қатнашган бу маҳорат синовида «Илҳом» театри ўзининг энг истеъдодли жамоа эканлигини намойён этди.

Халқаро танловда биринчи ўринни қўлга киритган театр алоҳида грант соҳиби ҳам бўлди. Бу эса ижодий жамоага келгуси йили Вена шаҳрида ўтказиладиган фестивалда қатнашиш ҳуқуқини беради.

МУВАФФАҚИЯТЛИ
ГАСТРОЛЬ

Ўзбекистон Ёшлар театрининг Москвага қилган гастрол муваффақиятли бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги театр санъати усталари учун жиддий ижодий кўрик бўлган бу халқаро фестивалда актёрларимиз «Содом ва Гоморра XXI» деган асар билан қатнашдилар.

Мақзур спектаклга режиссёрлик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, театрининг бадий раҳбари Наби Абдурахмоновнинг постановкачилик маҳорати ҳам яхши баҳо олди.

Шуни айтиб ўтиш кераки, театр бундан икки йил аввал халқаро театрлар фестивалида иштирок этиб, бирйўла иккита асарни томошабинлар эътиборига ҳавола қилган эди.

Акбар АЛИЕВ

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли шахс ўз кадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаши, «Мен — эркин инсонман» деган туйғуни теран ҳис этиб яшаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Зеро, мустақиллик — бу ҳуқуқ. Мустақиллик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилidir. Асосий Қонун — Конституциямизда мустақамлаб кўйилган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари орасида касаб-ушмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмалари-га уюшиш ҳуқуқи мавжуд экани ҳам истиклол самарасидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ҳамда таъсирини кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, юридик фанлар доктори, профессор Акмал САИДОВ билан юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларининг бориши, нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш ва ушбу ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг демократик янгилиши ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятлари ўзида мужассам этган адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма — босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхта олмайди. Муқаррар, қонуний жараёнга айланган, — дейди А.Саидов. — Мазкур дастурий маърузада бу йўлдаги эзгу саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришга қаратилган устувор вазибалар аниқ белгилаб берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, олдимизга қўйган асосий мақсад ва вазибалар истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаётга кенг татбиқ этиб келинаётган, мамлакатимизнинг модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган. Бу — демократик ислохотларимиз изчил, тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз жараён эканлигининг яна бир исботидир.

«Фуқаролик жамияти» деган тушунчанинг туб илдизлари халқимизнинг неча минг йиллик олис тарихига бориб тақалиши аниқ ҳақиқатдир. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, миллий демократия мактаби — маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос экани ҳам шундан далолатдир.

Шу ерда савол туғилади: фуқаролик жамияти институтлари нима ва улар жумласига қандай ташкилотлар кирида?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаб-ушмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган асосий институтлардир.

Фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазибаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик қадриятлар ва та-

мойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Фуқаролик институтлари, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда кўмаклашмоғи зарур. Улар кишиларимиз ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини ҳис этиб яшашда, мустақил фикр-мушоҳада юритишида, ўз салоҳияти ва қобилиятидан самарали фойдаланишида, бир сўз билан айтганда, буюк келажакни барпо этишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларида ҳамюртларимизга камарбаста бўлмоғи даркор.

Президентимиз уқтирганидек, «нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустақамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазибаларини бажариши керак».

Энг муҳими, фуқаролик жамияти институтларининг халқ орасида обрў-эътибори ортиб, мавқеи мустақамлангани сари улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган асосий воситага айланиб боради.

Кези келганда, миллий қонунчилигимизда биргина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 18 та йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятлари кўзда тутилганлигини эслатмоқчиман. Аммо, ҳозирча ана шу қонуний жамоатчилик назорати имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмапти.

— Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам жуда хилма-хил. Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, «одамлар онгида демократик қадриятларни

мустақамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг куламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир».

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишдан кўзланган асосий мақсад бундай ташкилотларнинг сонини ёхуд турини кўпайтиришдан иборат эмас.

Улар, аввало, фуқаролик жамияти шаклланиши ва рағбат топшига кўмаклашиши зарур. Айни вақтда жамиятимизда мавжуд турли манфаатлар, борингки, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар

лаштириш мақсадида ихтиёрийлик, эркинлик ва тенглик асосида тузилди.

Ассоциация Ўзбекистондаги барча нодавлат нотижорат ташкилотлари учун очкидир. У эркин фикр билдириш, ихтиёрий аъзо бўлиш ва аъзолардан тўсиқсиз чиқиш, аъзоларнинг тенглиги, ошкоралик, очкилик, кўпфиррилиқ, ўзини ўзи бошқариш ва қонунийлик принциплари асосида фаолият юритади.

Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг асосий мақсадларига, аввало, аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жа-

Шунингдек, Ассоциация демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатади, устувор йўналишлар бўйича биргаликдаги дастурларда қатнашади ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги ишларни ўрганади. Давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама рағбатлантирадиган жамғармалар тузади, уларга молиявий кўмаклашнинг бошқа самарали тизимларини яратишга бош-қош бўлади.

Айтиш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини

туллари ва демократия. Ана шу тушунчалар ўртасидаги узвий алоқадорликни қандай изоҳлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, демократик ҳуқуқий давлатни кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда истиклолнинг илк йилларидаёқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинган бежиз эмас.

Президентимиз Ислам Каримов уқтирганидек, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси алоҳида аҳамият касб этиши шарт. Бизнинг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан мақсадимиз, аввало, кишиларимиз онгида демократик қадриятларни изчиллик билан сингдириб боришдир.

Бунинг замирида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган юксак маънавиятли шахсини шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

Фуқаролик институтлари мустақил ва эркин оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикри ва ижтимоий дунёқарашини ифода этиш билан чекланиб қолмай, айни чоғда уларни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши тақозо этилади. Зотан, кишиларимиз онги ва тафаккурига демократик қадриятларни чуқур сингдириб бормоқ лозим.

Яқинда россиялик давлат арбобларидан бири «рангли инқилоблар» масаласига ўз муносабатини билдирар экан, «Демократия — картошка эмаски, уни бировнинг полизидан олиб келиб эксанг ва ундирсанг», деди. Дарҳақиқат, демократия четдан олиб келинмайди, у импорт қилинмайди. Демократияни ташқаридан кимлардир тиқштириши ҳам мумкин эмас. Ёки уни биров туҳфа этмайди.

— Юртимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истикболлари қандай?

— Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истикболлари давлатимиз раҳбарининг нутқ ва маърузаларида ҳамда «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазибаларини амалга ошириш дастурида» аниқ белгилаб берилган. Бугунги кунда ушбу Дастур режалари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад —

мамлакат ижтимоий ҳаётини ва давлат қурилишини демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашдан иборат. Чунки фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларигина ўз олдида турган вазибаларни тўлақонли адо эта оладилар.

Албатта, бунда уларнинг давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланиши, умуман, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлиқнинг кенг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

— Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, хусусан, Кўмитамизда номи тилга олинган Дастур доирасида бир қанча янги қонун лойиҳалари устида жадал иш олиб борилмоқда.

Даставвал, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида тўхталмоқчиман.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг кафолатларини белгилашдан, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашдан, ижтимоий шерикликини кенгайтириш ва нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг тақомиллаштиришдан иборатдир. Қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат кафолатлари алоҳида моддаларда белгилаб қўйилади.

Давлат, лойиҳага кўра, субсидиялар, грантлар ва давлат буюртмалари бериш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Ҳатто давлат нодавлат нотижорат ташкилотларига жамоатчилик назоратини ривожлантиришга кўмаклашиш, унинг амалга оширилишига монелик қилишга йўл қўйилмаслиги қаратилган чоралар кўришга ҳам масъулдир.

Лойиҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари ҳам мустақамланган. Хусусан, улар қонунда тақиқланмаган ва низомида белгиланган мақсадларга мувофиқ фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хайрия фаолияти ва ташкилотлари тўғрисида» каби янги қонунларга ҳам эҳтиёж сезилмоқда.

Пировардида таъкидламоқ лозимки, фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон учун тарихан хос бўлган миллатлараро, динлараро, маданиятлараро тотувлик ва бағрикенглик ғоялари ҳамда демократик қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилмоғи керак.

ЎЗА мухбири
Фулум МИРЗО
суҳбатлашди.

МУСТАҚИЛЛИК

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизм сифатида ҳаётимизнинг барқарор ва мустақам тараққиётини кафолатлаш йўлида хизмат қилиши даркор.

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш бўйича бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва моддий қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилди. «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Сен ёлғиз эмассан» ва Болалар спортини қўллаб-қувватлаш жамғармалари, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилгани шулар жумласидандир.

Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани катта аҳамиятга эга бўлди. Истиклол йилларида, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, касаб-ушмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги каби бир қатор қонунлар қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари, журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг кучга кириши катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

— Яқинда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси тузилгани ҳам диққатга сазовордир... — Ушбу Ассоциация мамлакатимизда демократик тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилишини рағбатлантириш, республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, демократик кучларни бир-

мият ҳаётини янада кенгайтириш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, демократик қадриятларни мустақамлашдаги иштирокини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаоллигини, ҳуқуқий давлат асосларини мустақамлаш ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрнини янада кенгайтириш масалалари кирида.

Ассоциация кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари мавқеини янада мустақамлаш, уларнинг кучларини бирлаштириш, ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ишончли ва ҳаққоний ахборот борасидаги эҳтиёжини таъминлаш, интеллектуал, моддий-техникавий ва бошқа ресурсларини энг зарур, аҳамиятли дастур ва лойиҳаларни бажаришга сафарбар этиш жараёнларида қатнашади.

У давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан мувозанатда ўзаро манфаатли икки томонлама музокаралар орқали жамиятнинг турли ижтимоий манфаатларини ифода этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини таъминлайди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоат назоратини йўлга қўяди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан муносабатлар ўрнатишининг самарали тизимларини ишлаб чиқади.

Ассоциация аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларига моддий-техника базасини мустақамлаш, замонавий технологияларни жорий этиш ишларида ҳам ёрдамлашади, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Нодавлат нотижорат ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимлар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш жараёнларида фаол иштирок этади.

— Фуқаролик жамияти инсти-

Бу ҳикояни ёзишдан олдин нимадан бошласак экан, деб бироз ўйлаб қолдик. Ҳар сафаргидек, сўзни газетанинг дастлабки сонларидан юритиш ноҳозидек туюлди. Зеро, Мустақиллигимизга тетапола қадан кўйган ва уни бутун ҳақимиз жон қадар авайлаб-асраб, оздолгимизнинг бир йиллигини зўр шодиёналар билан нишонлаш тараддуди қизгин бораётган бир даврда гапни мана шу долзарб мавзудан бошламасак адолатсизлик бўлар эди. Ахир халқимиз бу кунни озмунча кутдимиз? Нақадар тили боғлиқ бўлмасин, унинг дилида ҳамisha эрк, эркинлик сўзи йиллар қадар янграб турди. Мустақил давлат куриш бахтига эришиш осонликка кўлга киритилмади. Бу бахт асрлар давомида буюк Истиклолнинг машаққатли йўлида халқимизнинг, унинг асл фарзандларининг тинимсиз олиб борган жонфидо курашлари натижасида кўлга киритилди десак янглишмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мустақиллигимизнинг бир йиллигига бағишланган тантанани сўзларан нутқида шундай деган эди.

«Аминманки, буюк аждодларимизнинг руҳи-поки ҳозир ҳам тепамизда туриб, кўнгилларимизга ҳолис ва эзгу ниятларни сочяпти, ғайратимизга ғайрат, умидимизга умид кўшяпти. Истиклол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан кўлга киритилмаган. Мустақиллигининг бир йили — катта йўлнинг бошланиши ҳолос. Ҳаётимизнинг ўзи, бошдан кечаётган воқеалар танлаган йўлимиз, олда кўйган мақсадларимиз тўғрилигини ақлол тасдиқляпти».

Давлат бошқарувининг, ташқи ва ички сийбосатининг, иқтисодийётимизнинг мустақил эркин давлатга муносиб таркиби, шакли тўғрисида. Оқлолини, кўп болали ва кам даромадли оилаларни, ночор, ноғиронларни, фахрийларимизни, фарзандларимизни янги тизим барпо этишда табиий ҳолда юзга чиқадиган қийинчиликлардан асраш чоралари кўрилди.

Биз, янги жамият қураб эканмиз, бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўлган ва ўз шароитимизда татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан фойдаландик. Биз мустақил, демократик, ҳуқуқий жамият қураемиз. Бизда инсонпарварлик, виждон эркинлиги қоидаларига асосланган, миллати, дин-этнокодидан қатъи назар, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган тизим яратилмоқда.

«Оқшом»нинг Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган «Олтин кўзда юз очган баҳор» сарлавҳали репортажида шундай битикларни ўқиш мумкин.

**Эй муаззам, озод юрт,
Истиклолнинг муборак!
Оламаг кўз-кўз этарлик,
Бахт-икболнинг муборак!
Байрогингда юлдузлар,
Ҳайлолнинг муборак!**

Майдон узра турфа байроқлар шамол эпкинида силкинади. Энг баланда эса республикамизнинг байроғи мағрурона хиллаб, ҳар бир юракка шуқуқ уруғларини сепади. Ўзбекистоннинг миллий рамзлари туширилган улкан шарлар ҳавода муаллақ қотган. Майдондаги бош ҳаво ҳар лаҳзада томошалар бошланишидан дарак бериб турибди. Майдоннинг энг тўрида, баланд шохсупада улкан ер шарини. Унда Ўзбекистон худуди ярқираб кўринади. Қарайсан мушудек юрагинга бир уммондек савинч, фахр, ғурур жо бўлади. Минглаб самхашарларимиз бу ерга эркимизнинг биринчи байрамини тантана қилиш учун йиғилган.

Майдон узра бир зум сукунат чўкади. Саҳнага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов кўтарилади. Йиғилган меҳмонлар, мезбонлар оёққа қалқиб, мустақиллигимиз учун ҳормай-тоймай курашаётган йўлбошчини самимий кўтлайдилар. Юртбошимизнинг эл ғами, келажаги тавшиши билан йўғрилган нутқини барча диққат билан тинглайдди.

Майдонда яна шодиёна руҳ ҳукмрон. Ҳавони ўнлаб карнай-сурнай, ноғора-ю чилдирмаларнинг садолари титратиб юборди. Саҳнага ҳаётимизнинг посбонлари — оналаримиз чиқиб келишади. Улар буюк Зебунисо, Нодира, Увайсий, Тўмарислар қиёфасида худди асрлар қаъридан чиқиб келаётгандек гўё. Улардан сўн

ҳазрат Навоий, Мирзо Бобурлар лутфлари ила барчани баҳраманд қилдилар.

Майдонда шикаста мусиқа садолари янгради. Карвон кириб келади. Уларнинг чехраси хорғин. Жангчилар кўлларидан кўрол, эгиларида совут, киприқларида ғубор бор. Назаримизда аждодлар Истиклол сари одимлаб келаётгандек. Улар Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик... Улар бундан 130 йил олдин ҳалок бўлган Мулло Солиҳбек, Азизбеклар. Улар Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар. Карвон йўли тарихнинг олис-олис сўқмоқларидан бошланган. Улар байрам пойдеворларини жонлари, қонлари билан тиклаганлар. Аждодлар жабҳаларидан, жангоҳлардан тўри хузурига кириб келгандек. Ана Қодирий сўзламоқда. Чўлпоннинг оташин сатрлари юракларга ўқдек бориб тегади. Ҳа, улар тўққан қон эвазига Истиклолимиз шафаклари нурланди.

Майдон узра шўх кўшиқлар янгради.

Ўшмар саҳоси

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҲИКОЯ

Саҳнада юзлаб болагонлар худди лоллардек сочилиб кетишди. Истиклол, тинчлик, тотувлик, энг аввало болалар учун. Шундай экан, уларнинг бахтиёр чехралари ҳар қандай байрамни безаши шубҳасиздир.

Шу тариқа Истиклол байрами Ўзбекистоннинг Мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик деган азму қарорини яна бир бор оламга намойиш этди. Мустақиллик тобора халқимиз онгига, қонига, жонига кириб бораётганини намоян қилди.

Одатда гапни баландларвоз сўзлардан бошласан, шу кўтаринки кайфиятни анчагача тарқ этолмай турасан. Айни дамда бизда ҳам шундай ҳолат ҳукм сурмоқда. Мустақил юрт таърифини келтиришдан бошқа мавзуга ўтишга анча қийналдик. Лекин начора, «Оқшом»нинг 1992 йилги солномасида ҳам айтишга арзуғулик анча-мунча гаплар борлигини унутсак, бу ҳам инсофдан бўлмасди. Ахир бир йилликда ҳамкасбларимизнинг озмунча меҳнатлари ётибдими? Уларнинг барчаси ҳақида батафсил фикр юритолмасак-да, баҳоли қудрат базиларини таърифлашга масъулмиз.

Биз «Оқшом»чилар йил поёнига етиб борар экан, ўша йилга сарҳисоб қилишни ва келгуси йил учун олдиндан режа тўзишни одат қилиб олгандик. Йиллар бўйи ана шу анъанага содиқ қолдик ва у ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. «Оқшом» газеталарининг 1992 йилги сонларини бирма-бир варақлаган киши бу фикримизнинг нақадар тўғрилигига ишонч ҳосил қилади. Газетанинг 6 январь сонидан берилган «Оммавийлик сирини» мақоласи ҳам шундан далолат беради. Йил бошидаги режамизда газетанинг ўқимишли бўлишига, унда эълон қилинадиган мақолалар сифатига эътиборни кучайтириш билан бирга, унинг ҳар бир сонидан ҳеч бўлмас албатта ўқувчи диққатини ўзига тортадиган, уни ўйлантирадиган битта мақола чоп этишни белгилаб олардик. «Оқшом»нинг ўша йилги саҳифаларида буй кўрсатган «Яши номи қолди», «Мустақиллик — Ўзбекистоннинг энг катта галабаси», «Иқтисодийётни янгилаш омили», «Корхонанинг олтин тўйи», «Барчанинг ёдида қолсин», «Уй-жойларни хусусийлаштириш — бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим босқичи», «Тўйга тўёна билан», «Хайрли қадамлар» каби мақолалар шулар жумласидандир.

Шу йил газетамизда «Хунари гўзаллар» ва «Меросимизни ўрганамиз» каби янги рўқлар пайдо бўлди. Биринчи рўқ остида оддий касб эгалари бўлган хунармандлар ҳақида туркум мақолалар эълон қилиб борган бўлсак, иккинчи рўқимиз эса ўзбек миллий маданиятининг атоқли арбобларига бағишланди.

«Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари» рўқни Мустақиллигимиз шарофати билан олам юзини кўрди. Ушбу рўқ остида драматург, кинорежиссёр ва актёр Сулаймон Хўжаевнинг ҳаёти, ижоди ва фожиясига

бағишланган «Бевақт сўндирилган истеъдод» сарлавҳали мақола анча вақтгача газетонлар тилидан тўшмай турди.

«Мирзо Бобур сабоқлари» рўқимизнинг биринчи бошловчи «Сўзимни ўқиб, соғингайсан ўзимни» сарлавҳали мақола-си таниқли олимпиа, тарих фанлари доктори, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Сабоҳат Азимжонова билан бўлган суҳбатдан бошланди. Унда Бобур ҳазратларининг «Бобурнома»си ҳақида баҳс юритилади. Янги рўқнинг сўзбошидан баъзи сатрларни келтирсак, уйлаимизки, бу рўқ олдига қўйилган вазира ўқувчиларимиз учун янада ойдинлашади.

«Умрлар бўладики, ўлса ҳам тирикдир». Ўтнафас шоиримиз Мақсуд Шайхўда ушбу сатрларни битганида нимани назарда тутгани ёлғиз Оллоҳга аён. Лекин бу сатрлар 500-600 йилдан бери жаҳонни лолу хайрон этиб келаётган Теурийларнинг ҳаёти ва фаолиятини ифода эта олади. Чиндан ҳам Теурий Саҳибқирон, Мирзо Улуғбек, ҳазрат Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Мирзо Бобурлар мангу тирик, мангу ҳақ сўзга муштоқ аждодларимиздир. Уларнинг умри ўт билан сувдан яралган, уларнинг ўзи ҳам, салтанати ҳам, шеърят мулки ҳам дам осойишталик, дам жангу жадаллар ичра яралган мулки саодатдир.

Ҳамиша Мирзо Бобур ҳақида гап кетганда ёшдир, қаридир, шохдир, гадоидир, юрагига беихтиёр ҳасрат тоши чўкади. Бу тенгсиз шоир, зукко муаррих ўз юртига сифмади. Мулки Ҳиндуни паноҳ тутди, буюк салтанат тузди. Абадул абад юртдан узоқда ором топди. Бобур ҳазратларининг ҳаёти, ижоди, ўлмас «Бобурнома»сини ўрганишга сўнгги йилларда жуда катта эътибор берилмоқда. Бинобарин унинг муборак 510 йиллик тўйига ҳам тараддул кетмоқда. Ана шу боисдан «Тошкент оқшом» ўз саҳифаларида «Мирзо Бобур сабоқлари» деган янги рўқ остида туркум мақолалар бериб боришни режалаштирди».

Мустақиллик туфайли «Оқшом» саҳифаларидан ўрин олган яна бир янги рўқимиз — «Замонавий раҳбар» ҳақида сўз юритмаслик ҳам инсофдан бўлмас. Унинг чинти буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Файзулла Раҳматуллаевга бағишланган биринчи мақоласи ўқувчилар диққатини ўзига тортувчи шундай жумлалар билан тўғайди. «Азиз биродарим, кўлингиздаги пиёлани авайлаб, эҳтиёт қилинг, у ҳеч қачон синмасин, миллий фахримиз бўлган бу буюмда оддий ишчидан тортиб, қанча-қанча яратувчи муҳандисларнинг қалб қўри муҳасас топган. Ана шу оғир меҳнат маҳсули сифатида бугун у хонадонингиз тўридан ўрин олиб, чехронгизга хузур бахш этиб турибди. Истагимиз, корхонамиз муҳри туширилган бу анвойи ранг пиёла-чой-нақлар, коса-ю лаганлар, ликобча-ю вазалар ҳамisha жавонингизни тўлдириб, сизга хуш кайфият бахш этиб турсин».

«Оқшом»нинг кекса жамоатчи муаллифларидан бири атоқли олимпиа Ойшахон Тўраева шундай хотирлайди:

«Биринчи мақолам «Онаси доно, кизи барно» сарлавҳа остида «Оқшом»да босилган кун ҳаётимда унутилмас бўлиб қолди. Эсимда, мақола эълон қилинган куннинг эртасига Лаъл Баҳодир Шастри номидаги 24-мактаб директори (марҳум) домла К.Расулов уйимизга кўнғирок қилиб: «Ойшахон, газетата босилган мақолангизни ўқидик, бизга маъқул бўлди. Муҳим масалани кўтарибсиз, жамоа билан келишиб, ушбу мавзуга бағишлаб отаоланган йиғилишини ўтказишни лозим топдик. Мақола муаллифи сифатида ушбу йиғинга сизни тақдир этмоқчимиз. Илтимосимизни рад этмасиз деган умиддамиз», деб қолдилар.

Шу кунни ушбу йиғинда қатнашиб йиғилганлар билан узоқ фикр алмашдик. Бола тарбиясида ота-онанинг роли, ибрат намунаси ҳақида қайта-қайта сўз юритдик».

1992 йилимизнинг яна бир унутилмас онлари халқимизнинг мустақиллигимизнинг бир йиллик тантаналарига зўр ғайрат ва матонат ила қизгин ҳозирлик кўриши билан эсда қолади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари

03-03 ЎТГАН ДОМО БУЛУР...

• Ўтган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард. Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ.

Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади.

Пушаймонлик уч хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймонлик арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсага ея олмади қолиш, арзимаган нарсага эга бўла олмади қолиш сабабли пайдо бўлади. Ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймон эса кўлидан келса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай вақтни ўтказиб юбориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса адашиш орқали муносиб бўлмаган мурасасиз ўйлаб қолиш орқасидан келади.

• Ўз айбини

кўрмаган ўзга айбини қидирар.

Дўстинг оч бўлса, сен тўқ бўлсанг, бу айбидир!

Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон.

Юз йиллик бойликни қилмайлик пинҳон.

Кел, бунда ўтириб, бўлайлик бир шод,

Тасаввур қилайлик ўзни Кайкубод.

Дунё роҳатидан талаб қилиб дод.

Кечаю эртани айламайлик ёд.

• Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,

Бефарқ кишилар ўзни йўқотар!

• Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, кулоқ, қош, ўз, лаб, оғиз, қомат қиради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар мулойимлик, саховат, шижоат, илм, камтарлик, ифрат ва шунга ўхшаш бошқалардир.

• Бойлигинга мағрурланма, унинг усти қиройили кўринса ҳам ичи ниҳоятда ифрос бўлиб, кишини минг турли балоларга дучор қилади. Барча ишни шошмасдан ўйлаб қил. Сирингиз ҳаммага айтаверма, илмсиз кишининг айтган гапига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайғур, умрингни зое ўтказма! Шеръ:

Дилимда

қанчалар сўзим бор бироқ,

Шакарнинг кўлидан озидир созроғ!

Оз сўздан киши ҳеч бўлмас пушаймон,

Кўп сўздан кишига етади зиён!

• Ақл ва фаҳм Хонининг соҳиблари ва ахлоқ дастурхонининг лаззатшунослари шундай айтадиларки, агар икки рафиқ Хон ёки дастурхон устида шерик бўлсалар, овқатга бир-бировидан аввал қўл узатишга шошилмасдан, бир-бирига тақдир ва илтифот юзасидан йўл тусинлар. Монандли ит ва тўнғиз ҳамда бошқа хайвонлар каби ўзини овқатга отмасликларни керак. Кимки, ёш жиҳатидан кичик бўлса ёши каттароғи овқатга қўл узатмагунча сабр қилмоғи лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан хисобланади.

Бинобарин, минглаб йиллик тарихга эга миллий пазандачилигимиз ҳам Мустақиллик йилларида янада сайқал топмоқда. Илгарилари бидъат ва хурофот ҳисобланган Наврӯз таомлари — сумалак ва ҳалим тайёрлаш ҳозирда авж олиб, ушбу тансиқ таомлар байрам дастурхонларининг кўркига айланмоқда. Бугун ўзбек пазандачилиги нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам донг таратмоқда. Шу жиҳатдан олганда, яқинда 3 минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек пазандачилигининг ўзига хос фазилатлари ва миллий удумларимиз, кадриятларимиз билан боғлиқ бўлган таомларимизни ўзида ифода этган «Ўзбек пазандалик санъати» китоби «Ўзбек этилиши нур устига аяло нур бўлди».

Биз ушбу хайрли ишга бош-қош бўлиб, мазкур қомусий китобни нашр эттирган «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Равшан Учқунович Ҳамидбековдан китобнинг юзага келишига ҳисса қўшган заҳматкашлар, унинг тайёрланиши жараёни ҳусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Миллий пазандачилигимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, миллий таомларимиз хилма-хиллиги ва тайёрлаш услублари билан бошқа халқлар таомларидан фарқ қилади. Миллий пазандачилигимиз кўп асрлик тарихга, таом тайёрлаш, меҳмон кутиш анъанаси ва маданиятига эга. Кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилаётган самарали янгиланишлар — Юртобимиз Фармонларига биноан умумий овқатланиш шохобчаларининг хусусийлаштирилиши, замонавий хизмат

ларимизга мувофиқ бугунги кун талабига тўла жавоб бера оладиган китобни нашр қилдириш фикрини пайдо қилди. Ниятимиз асрлар давомида ўзбек миллатининг сеvimли таомларини кейинги авлодга ва бошқа мамлакатларга етказиш эди. Китоб оммабоп бўлиши учун ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди.

— Китобни тайёрлаш жараёни ва унинг чоп этилишига бош-қош бўлган муаллифлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Республикамызда савдо ҳамда умумий овқатланиш соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшган заҳматкашлар — М.Усмонов, З.Файзиев, У.Даминов каби муаллифларнинг саъй-ҳаракатлари ва излаишлари самараси ўлароқ «Ўзбек пазандалик санъати» китоби мухлислар қўлига



қолади деган умиддамиз. Зеро, ундан нафақат таомларни тайёрлаш, балки уларнинг келиб чиқиш тарихи, байрамларимиз билан уйғунлиги ҳам батафсил ўрин олган. Китобхонлар «Сумалак — Наврӯз таоми», «Наврӯз удумлари», «Меҳмондорчилик», «Наврӯз ва Меҳрон — кадриятларимиз дурдонаси», «Ўзбек қандолатчилиги: таъриф ва тарих», «Таомлар таърифи ва тайёрлаш усуллари» каби бўлимлар орқали кўплаб янги ва қизиқарли маълумотлар билан танишишлари мумкин.


«Яхна таомлар»дан тортиб, «Қандолат маҳсулотлари»гача бўлган бобларда эса 300 та энг тансиқ яхна, қуюқ ва суюқ таом, пирожний, тортлар ва шарбатларни тайёрлаш усуллари билан танишиш мумкин. Китобдан балиқ асортиси, «Лаззат» салати, кўзикоринли бузюк гўшти, «Мовий денгиз» таоми, кўзикоринли судак баллиги каби кўплаб янги таомлар рецептлари ўрин олган. Яна бир ўзига хос томони — илк бор пазандачилигимизнинг машхур усталари Расул ошпаз Мухамедовлар сулоласи, Фуломжон Солиҳов, Орифжон Турсунов, Косим Толибжонов, Карим Маҳмудов, Шерали Солиҳов, Абдулла Эгамбердиев каби моҳир ошпазларнинг қисқача ҳаёт йўллари ҳам унда ўз аксини топган...

Хозирда «Ўзбек пазандалик санъати» китоби шахримиздаги «Шарқ зиёкори» АЖ, «Тошкент универмаги» дўконлари-

Кадриятларимиз

ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИМИЗНИ ЖАҲОН ТАНИСИН

Жаннатмакон ва саҳий заминимизда ҳатто бир таёкни ерга суқсанг ҳам эртага у кўкариб, мева беради. Шу сабабдан юртимиз ўзининг ажойиб мевалари — тилими тилни ёрадиган қовуну тарвузлари, олтинранг ноқларига асал анжирлари, ширали ҳусайниларю карсиллама олмалари билан етти климга доғруғ таратган. Деярли ҳар бир ҳовлида ўсадиган ўрик туршакларининг Кунчиқар мамлакатда юрак хасталигига дори сифатида дорихоналарда сотилиши ҳам аини ҳақиқат.



кўрсатиш шохобчалари ҳамда умумий овқатланиш масканларининг бунёд этилиши натижасида пазандачилигимиз ҳам такомиллашиб, жаҳон талаблари даражасига етмоқда. Жумладан, Мальтада ва бошқа хоржий давлатларда бўлиб ўтган жаҳон пазандачилигининг кўргазма ва кўрик-танловларида ошпазлар ва қандолатчиларимиз кўплаб олтин нишонлар билан тақдирланди. Ана шу муваффақиятлар бизда кадриятларимиз ва урф-одатлар, русум-

етиб борди. Биз ушбу китобни тайёрлаш жараёнида республикамызнинг барча вилоятларида бўлиб, удумлари, таом тайёрлаш жараёнлари билан танишдик, миллий маросимларни кузатдик, оилаларда бўлдик. Ушаларни жамлаган ҳолда маданиятимиз ва пазандачилик тарихининг муҳим жиҳатларини мукаммал акс эттиришга ҳаракат қилдик. Ф.Қурбонбоев, Э.Қуртвелиев, Р.Яруллин, Р.Шарипов, Р.Шагаев каби тажрибали сураткашларнинг 2 мингга яқин расмларидан энг сараларини танлаб олдик.

— Илғари ҳам ўзбек таомлари, миллий пазандачилигимизга бағишланган китоблар чиққан. Бинобарин, янги китобнинг аввалгиларидан фарқи нимада?

— Авваламбор, жуда чиройли рангли расмлар билан безатилган китобни ўқиб чиққан ҳар бир киши миллий кадриятларимиз ва таомларимиз тарихи ҳамда уларни тайёрлаш ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлади. Ушбу китоб бошқа миллатлар учун ҳам қўлланма бўлиб



да сотилмоқда. Республика Ташқи ишлар вазирлиги ҳам буюртма бериб, миллий кадриятларимизни жаҳонга танитиш ниятида.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Шурфа олам

2000 Ёшли Мўмиёлар

Америкалик археологлар Қоҳиранинг шимолий гарбида жойлашган Эль-Фаум шахрида қадимги мазорга лаш келдилар. Ана шу ердан мўмиёланган аёл ва бола мурдаси топилди. Мўмиёланган аёл киши гулчабарлар билан ўралган тилла тобутда ётар эди, қабр устига ёзувлари ва расмлари яхши сақланган зигирпоя толасидан тўқилган чойшаб ёпиб қўйилган. Мутахассисларнинг тахмин қилишларига кўра, топилдиқларнинг ёши 2000 йилга тенг. Топилдиқларни Қоҳира музейларидан бирида синчиқлаб ўрганиш мўлжалланмоқда.

УЙЛАНМОҚЧИ БЎЛСАНГ — КЎЧАТ ЎТҚАЗ

Филиппиннинг Себу шаҳрида ёш келин-куёв олдида ўзига хос шарт қўйилди, бу шарт никоҳ маросими бошланишига қадар бажарилиши керак. Шаҳар архиепископи Рикардо Видалнинг фармойишига кўра қонуний никоҳдан ўтмоқчи бўлганларнинг ҳаммаси камида битта дарахт кўчатини ўтказишлари лозим. Ана шу мақсад учун мўлжалланган кўчатлар черков жамоалари ўртасида тақсимлаб чиқилган. Черковнинг бу ташаббусини архиепископ дарахтзорлар жалал сурыат билан камайиб бораётганлигидан жиддий ташвишланаётган атрофмуҳитни ва табиат ресурсларини муҳофаза қилиш вазирлиги қизгин кўллаб-қувватлади.

ЖУМА КУНИ, ТУШ ВАҚТИДА

Сўнги вақтларда аини шу кунни, шу вақтда Австрия банкларига босқинчилар тез-тез ҳужум қилишяпти. «Пресса» газетасида эълон қилинган сўнги ўн йил мобайнида Австрияда қайд этилган босқинчилик ҳужумларининг вазиятларини талдиқ этишга доир статистика маълумотлари ана шундан далолат беради. Ана шу вақт мобайнида банкларга ҳаммаси бўлиб 695 марта ҳужум қилинган. Босқинчиларнинг ўлжаси 130 миллион шиллингни ташкил этган.

Ички ишлар вазирлигининг вакиллари келтирилган маълумотларни шарҳлаб, Австриядаги кредит муассасаларининг 90 фоздан зиёди махсус «шоққинсиз сигнализация» системаси билан жиҳозланган, шу системалар хабарни яқин орадаги полиция участкасига маълум қилади, деб таъкидлайдилар. Хона ичда рўй бераётган воқеаларнинг ҳаммасини қайд этиб боровчи махсус телевизион аппаратуралар ҳам мавжуд.

СЎЛИМ ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотларнинг пойтахт вилоятининг Бўстонлик туманидаги сўлим табиат гўшаларида, Тошкент денгизининг хушманзара дам олиш масканларида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида шаҳар меҳнат аҳлининг фарзандлари билан биргаликда Оролбўйидан келган 1750 нафар қорақалпоқ болалари ҳам ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Ёзи соғломлаштириш мавсумининг иккинчи навбати яқунланиб, Оролбўйи меҳнаткашларининг 989 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Ота-она бағридан узоқда бўлиш фарзанд учун соғинчидир. Лекин шу билан биргаликда, тенгқурларнинг даврасида бўлган болалар ўза-ўзига ишонч, мустақил қиларашга интилиш каби зарур хислатлар унинг табиатида шаклланиб боради. Шундай бўлсада, бола икки оғиз ширин сўз, меҳри эйтибюрга мўтдождир. Меҳрибон тарбиячилар, ёқимтой тенгдошлари даврасида, зилол суви, беғубор осмонли сўлим табиат бағрида мусаффо ҳародан мириқиб нафас олиш, бекиёс гўзаллидан баҳраманд бўлиш гоят гаштли, унутилмас бўлиб, соғинч хисси ўрнини болаларнинг шодон кайфияти эгаллайди.

Оромгоҳ ҳаётидаги спорт мусобақалари, тўғарақлардаги хилма-хил машғулотлар, кутубхонадаги китобхонлик, қизиқарли кинофильмлар, мультфильмларни томоша қилиш, ҳовузда яйраб сузиш каби турли-туман тадбирлар, эртаклар оламига бошловчи сахна асарлари болаларга бир олам завқ-шавқ бағишлаб, мириқиб дам олишлариға хизмат қилади. Болалар ўртоқлар орттириб, дўст топадилар. Оромгоҳдаги ҳар бир кун уларнинг ёдида ёркин таассурот қолдиради. Уларнинг беғубор, самимий дил сўзларини эшитиш нақадар мароқлидир. Тошкент марказий темир йўл вокзалидан Қорақалпоғистонга уюшган ҳолда жўнатилаётган болаларнинг чеҳрасига разм солиб, уларнинг мамнулиги, болаларча қув-

ноқлиги, қизиқувчанлиги киши эйтиборини ўзига жалб этади. — Мен Фарруха Болтаева, Нукус шаҳридаги 36-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчисиман, — дейди ёқимтойлик билан дам олувчилардан бири. Билдирсой оромгоҳида яхши дам олдим, ҳавоси мусаффо, суви ширин, овқатлари мазали экан. Оромгоҳдаги ҳамма тадбирлар, спорт мусобақалари, тўғарақлари ёқди. Келгуси йилда яна келишим хоҳлардим.

Ҳар бир бола ўзига хос оламдир. Ҳар бирининг ўз мустақил фикри бор. — Менга «Меҳрон» оромгоҳи ёқди, — дейди Тўртқўл туманидаги 1-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Бехзод Қурбонбоев. — Оромгоҳдаги спорт ўйинлари, китоб ўқиш, ҳовузда сузиш менга жуда ҳам ёқди. Оромгоҳнинг ҳаво-

си тоза, овқатлари яхши, суви ширин. Иложи бўлса янаги йилда «Меҳрон» оромгоҳига яна келардим. — Мен эса «Геолог» оромгоҳида дам олдим, — дейди сўхбатга қўшилиб Нукус шаҳридаги 23-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Феруза Утемуродова. Сув ҳавасида яйраб сузим, тўғарақ машғулотларига қатнашиб, кутубхонада китобларни севиб ўқидим. Барча дўстларимга оромгоҳ ёқди, овқатлари тўйимли, мазали экан, суви ширин. Агар иложи топилса, келаси йилда дўстларим билан яна «Геолог» оромгоҳига келардим, — дейди болаларча самимийлик билан.

Болаларнинг беғуборлик билан оддийгина қилиб айтган, юракдан чиққан ҳар бир сўзида чўқур маъно бўлиб, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Уларнинг айтган сўзи оромгоҳ фаолиятига берилган ўзига хос ҳолис баҳо десак муболага бўлма-с керак. Болаларнинг юзидеги табассум, яхши кайфият уларнинг мириқиб, мазмуни дам олганлигини намоиш этиб, мутасаддиқлар меҳнатлари самарали бўлганидан қувонади.

Улугбек ПЎЛАТОВ

Спорт

**ЧЕМПИОНЛИККА
ИНТИЛАЁТГАН
ЖАМОА**

Спортнинг футзал, яъни мини-футбол тури юзага келганига унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, у тобора ривожланиб, муҳлислари сонини ошириб бормоқда. Хозирда футзал бўйича жаҳон ва китъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон футзал ассоциациясининг ташкил этилганига эса эндигина бир йил тўлди. Мамлакат чемпионати ўн йилдан буюн ўтказиб келинмоқда. Бироқ ўтган йилдан бошлаб мамлакатимизда иккита кучли профессионал футзал клубининг муҳлису мутахассисларини лол қолдириб келаётганини кувонч билан таъкидлаш мумкин. Уларнинг бири шаҳримизнинг «Ардус» жамоаси бўлса, иккинчиси Зарафшоннинг «Строитель» командасидир. Ўтган йили собиқ пахтакорчи, катта футболда улкан довларни забт этганидан сўнг мини-футболда ўз кучини синаб кўришга аҳд қилган Азамат Абдураимов етакчилигида «Ардус» футболчилари мамлакат чемпионлигини қўлга киритишган бўлса, «Строитель»га ўша мавсумда бил-лур соврин насиб этганди.

Футзал бўйича мамлакатнинг ўзинчи чемпионати ҳам эшик қоқмоқда. Ана шу нуфузли мусобақа олдида «Ардус» клуби оммавий ахборот воситалари ходимлари ишти-рокида матбуот анжуманини ташкил этиб, янги мавсум режалари, команда таркибидоги ўзгаришлар билан ўртоқлашди.

Тадбирда профессионал клуб президенти Жаҳонгир Усмонов, жамоа директори Шухрат Иноятов ҳамда бош мураббий Семен Могилевскийлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бош мураббий ўзгарган бўлса-да, тўрт нафар янги ўйинчини таркибига қабул қилган жамоа ўз олдига юк-сак мақсадларни қўйган. Чунки, «Ардус»да ҳам чемпи-он бўлиш, ҳам мамлакат бил-лур совринини қўлга киритиш учун барча имкониятлар етар-ли деб ўйлаймиз.

Ишқибозлар учун эслатиб ўтамизки, бу йилги чемпио-натда «плей-офф» тизими-ни жорий этиш кўзда тутил-моқда. Яъни унга кура тўрт тур учрашувлари ўтказилгач, уларнинг натижаларига қараб олтинга энг кучли жамоалар сараланиб, чемпионлик учун курашини давом эттирадilar. Янги усул ўзини қанчалик оқлашини эса вақт кўрсата-ди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳокимлигининг масъул ходими Абдуллаҳўжа Саъдуллаҳўжа-евга валида муҳтарамаси **ВАЗИРА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор эта-ди.

«Камолот»

ЁШЛАРИМИЗГА КАТТА ҒАМХЎРЛИК

Бугунги кунда ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб вояга етказиш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва эҳтиёжларини қондириш ҳамда уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгал-лашларига кўмаклашишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни ало-ҳида аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Юртбошимизнинг Халқ депутат-лари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши то-монидан жорий йилнинг ёз мавсумида ёшлар-нинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун «Истиклол имкониятларидан оқилона фойдаланаёйлик» шiori остида «Ёани «Камолот» билан!» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— Ўшбу лойиҳа доирасида тумандаги барча маҳаллалар ёшлари учун турли соҳалар бўйича давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари, кўма спорт ўйинлари, кўрик-танловлар, бепул тарзда амалга ошириладиган компьютер, тил ўрганиш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш курслари таш-кил қилинган, — дейди «Камолот» ЕИХ Юнусо-бод туман бўлими раҳбари Маҳмуд Асомов. — Шунингдек, июль ойидан бошлаб туманимиз ма-ҳаллаларида истиқомат қиладиган ўқувчи-ёшлар-нинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларни миллий санъат ва маданият оламига муҳаббат руҳида тарбиялаш, санъат йўналиши-да иқтидори бўлган ёшларни аниқлаш ва улар-ни кўллаб-қувватлаш мақсадида ҳафтада икки марта Хамид Олимжон номидаги маданият уйи билан ҳамкорликда байрам кечалари ўтказиб ке-линмоқда. Бундай тантанали кечалар туманда-ги «Туркўрғон», «Наврўз» маҳалла ёшлари ўрта-сида кўтаринки руҳда нишонланди.

Хўсуван, «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан икки ишлар бўлим-ларида профилактика ҳисобида турвучи, тарби-

яси оғир вояга етмаган болалар билан ҳам тар-биявий ишларни янада самарали олиб бориш мақсадида 274-мактаб қошида ҳарбий спорт оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

Айни кунларда, Тошкент Давлат юридик ин-ститути талабалари билан ҳамкорликда маҳал-ла ёшлари учун бир ой давомида «Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзаси-дан сиёсий-ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлар бугунга қадар «Матонат», «Хўснобод», «Акбаробод» маҳаллалари-да бўлиб ўтди.


Яна шуни айтиш керакки, Тошкент педиатрия тиббиёт институти талаба-лари билан биргаликда, ўсим ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсади-да маҳаллаларда, «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» махсус ўқув семинар-лари ва тиббий патронаж ишларини амалга ошириш каби кўплаб хайрли мақсадлар кўзланган ишлар давом эт-моқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Давлат жа-ҳон тиллари университети талабалари билан ҳам-корликда тумандаги 40 та маҳаллада ёшлар учун инглиз тилини ўқитиш бўйича махсус ўқув курс-лари ташкил этилган бўлиб, ўшбу курсларни би-тирган ёшларга сертификат берилиши кўзда ту-тилган.

Тошкент Ахборот технологиялари универси-тети қошида компьютер саводхонлиги бўйича курслар очилган бўлиб, мазкур ўқув маркази хозирда тумандаги 80 та кам таъминланган оила фарзандлари учун ўз фаолиятини амалга ошир-моқда.

Яқинда «Наврўз» ва Шароф Мансурхўжаев маҳаллаларида кўма спорт мусобақалари ўтказилди. Хар бирида 6 тадан маҳалла иштирок этган ўшбу акцияда 200 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар спортнинг арқон тортиш, футбол, эста-фета ўйинлари, стол тенниси, арқондан сакраш, волейбол, шахмат-шашка турлари бўйича ўз ма-ҳоратларини намойиш этдилар. Бу акцияда фаол иштирок этган ёшларга «Камолот» ЕИХ Юнусо-бод туман бўлими Кенгаши ва унинг қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари тақдим этил-ди.

Ўйлаймизки, келажгимиз давомчилари



бўлган ёшларимизга кўрсатилмаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик келгусида албатта, ўзи-ни ижобий натижаларини беради.

Дилорам ДЎСМУХАМЕДОВА,
Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Мунажжам башорати

МЕХНАТИНГИЗ ҚАДРЛАНАДИ

10 АВГУСТ – ЧОРШАБ

Мунажжамларимиз бугунга яхши янгиликлар, ажойиб истикболлар ва кувончли воқеа-ҳодисаларни ваъда қилишган. Лекин буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан келавермай, балки кунт билан қилинган баракали меҳнат самараси бўлади.

Чунки, юлдузлар ҳисобини С.Ильичёв, бугунги кун тўплаш, йиғиш, ижод алаңасини амалий муваффақиятлар ва буюмларга айлантириш билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.—Лекин, дейди у,—бирор нарсани сотиб олиш мумкин эмас — уни яхшиси ўзингиз яратганингиз маъкул. Кўпроқ таом истеъмол қилиш, айнакка ўзингиз хозирлаган оеватларни тановул қилиш фойдали.

Меҳнат ва сарфлаган куч-гаиратингиз учун улкан куч-қудрат, жиловлаб бўлмас эҳтиросларни бўйсундириш қобилияти, ёвузлик кучларидан устунлик сизга му-кофот бўлади. Албатта, сиз учун ягона оғир-мақсад бўлмай, режаларингизни амалга ошириш воситаси сифатида яхшигина бойликка эга бўласиз. Ҳа, бугунги қилинган самарали меҳнат бойлик ва фаровонликка йўл очади.

Бугун йўга, нафас олиш машқлари билан шуғулланиш ҳам фойдали. Уйдан олисга бормаянгангиз маъкул. Кўпроқ вақтингизни болаларга, оилангизга, рўзгор ишларига ва эр-хотин муносабатларини тиклашга сарфланг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОРЛАР!
ШОШИНИНГ, ИМКОНЯТИНГИЗНИ БОЙ
БЕРМАНГ!**

Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг Тош-кент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAХT AUKSION» давлат унитар корхонаси Сизларни ким ошди савдоларига тақлиф этади!

Савдоларга Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган САВДО ДЎКОНИ, СУПЕРМАРКЕТ, МИНИМАРКЕТ, КАФЕ, РЕСТО-РАН, ОФИС, МАИШТИР ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЖМУАЛА-РИ ҲАМДА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ ШОХОБ-ЧАСИ қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узоқ муд-датли ижара ҳуқуқи қўйилади.

Ер участкасининг узоқ мудатли ижара ҳуқуқини сотиб ол-ган талабгорга ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дас-тлабки ҳужжатлари тўплами берилади. Ҳужжатлар тўламига қуйидагилар киради:

1. Ер участкасининг чегараси;
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-1, АПЗ-11;
3. Топографик сьемка, масштаб 1:500;
4. Муҳандислик- геологик ҳулоса;
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Ким ошди савдолари 2005 йилнинг ҳар сеюанба ва жума кунлари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўча-си, 16 «А» уйда ўтказилади. Савдолар соат 11.00да бошлана-ди. Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18.00да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«Тошиссиқуввати» ИЧБнинг «Иссиқлик тарқатиш» бошқармасига Чилонзор туманидаги аҳоли билан ишлаш учун зудлик билан танлов асосида техник-инспекторлар талаб этилади. Компьютерни билиш шарт. Меҳнатга ҳақ тўлаш – вақтбай-мукофотли, иш ҳақи 76240 сўм ва ундан юқори.

Манзилимиз: Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 173-уй (мўлжал «Спорт буюмлари» дўкони) Тел. 173-70-76, 78-40-12.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлигига шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз: 133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усули билан. 3868 нусxada босилди. Қороз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтани»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбоо акциядорлик компанияси босмоқсонси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.